

## **БАҲОУДДИН НАҚШБАНД КАМОЛОТ ДАРАЖАЛАРИ: ЯНГИ ЧИЗГИ**

**Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна**

Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси  
профессори, фалсафа фанлари доктори

Тел: +998914117707 email: [premium.progress@mail.ru](mailto:premium.progress@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини асосчиси Баҳоуддин, Шох Нақшбанд, Хожай Бузург номлари билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ол-Бухорийнинг (1318-1389) илмий муомалага кирмаган “Намаки машойих” камолот даражаоари ҳақида маълумот берилади. Яъқуби Чархийнинг “Рисооаи унсия” асарига бу маълумот келтирилгани ва унинг асослари илмий таҳлил этилган*

**Калит сузлар:** Баҳоуддин Нақшбанд, “Намаки машойих”, “Рисооаи унсия”, камолот даражаси.

### **ABSTRACT**

*The article provides information about the level of maturity of “Namaki mashoih” by Muhammad ibn Muhammad al-Bukhari (1318-1389), known as Bahauddin, Shah Naqshband, and Khojai Buzurg, the founder of the world doctrine of Naqshbandi. Yakubi Charkhi's work “Risoai unsia” presents this information and its foundations are scientifically analyzed.*

**Key words:** Bahauddin Naqshband, “Namaki mashoih”, “Risoai unsia”, maturity level.

### **КИРИШ**

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ёзилган қимматли манбадан бири Яъқуби Чархийнинг “Рисолаи унсия” асаридир [3:85-99]. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбанд камолот даражалари ҳақида ёзилган янги фикрни ўқиш мумкин. Баҳоуддин Нақшбанднинг камолот даражалари ҳақида мустақиллик йилларида манбалар таржима этилди ва тадқиқотлар ўтказилди [1,2,3,4,5,6,9,10]. Аммо Яъқуби Чархийнинг бу асари илмий таҳлилга энди кирмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг илм соҳасидаги камолотларини аниқлаш лозимдирки, у кишининг ўғитлари ва илмга доир ғояларининг даражаси ҳам унга уйғун бўлади. “Рисолаи унсия” асарида Яъқуби Чархий устози Баҳоуддин Нақшбанднинг Силсилаи шарифлари ҳақидаги маълумотларни келтиради ва хулоса қилиб шундай ёзади: “Бизнинг Хожамиз Баҳоуддин Нақшбандга илм

тўрт йўналишда келган: Биринчиси Ҳазрати Хожа Хизрдан; Иккинчиси Ҳазрати Шайх Жунайддан; Учунчиси Ҳазрати султон ул-орифин султон Боязид Бастомий орқали амир ул-мўъмининин Али ибн Абу Толибдан; Тўртинчиси Имом Жаъфари Содиқ орқали Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқдан. Шу сабабдан ҳам Ҳазрат Эшонни Шайхларнинг буюги дейилган” [10:21]. Бу маълумотдан Баҳоуддин Нақшбанд тўрт забардаст олимларнинг илм булоғидан баҳраманд бўлганлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам у кишининг илм ҳақидаги ғоялари қимматлидир.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий тарихда Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Балогардон, Хожай Бузруг номлари билан маълум ва машҳурдир. Шунингдек уни “шайхларни тузи” – “намаки машойих” ҳам деганлари ҳақида Хожа Аҳрор Валийнинг устози Яъқуби Чархий тўрт устозлари ҳақида ёзиб “Рисолаи унсия” асарида шундай маълумот беради: “Шу сабабли уларни “Намаки машойих” (шайхларнинг тузи) дейдилар” [7:92]. Яъқуби Чархий илмий меросини ўрганган олима Мавжуда Раззоқова ҳам “Рисолаи унсия”да Баҳоуддин Нақшбанднинг ботиний илми олган устозларининг тўрт хиллигини таъкидлаб, охирида шу сабабли Баҳоуддин Нақшбандни “Намаки машойих” – “Шайхларнинг тузи” деганлар деб таъкидламоқда. “Рисолаи унсия” ни таржима этган Раҳмонов Суннатилло тўрт устозларини тўғри ёзган ҳолда шу сабабдан Ҳазрат Эшонни “шайхларнинг буюги” дейилган деб таржима этган. Биз манбаларга мурожаат этиб, Яъқуби Чархийни “Рисолаи унсия” асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини қайтиб кўриб аниқ ишонч ҳосил қилдикки, манбада “Намаки машойих” деб ёзилган. “Рисолаи унсия”ни форсий тилдан кирилл ёзувига ўгирган Иброҳими Наққош асарида ҳам “Намаки машойих” деганлари қайд этилган [8:178].

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийнинг Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Балогардон, Хожай Бузруг, Хожай Бузург номлари билан машҳур бўлиши у кишининг амаллари асосида халқнинг эътирофидир [5:24-33]. Аммо Баҳоуддин Нақшбанднинг ботинидаги илм уммонининг манбалари асосида берилган “Намаки машойих” номи тасаввуф аҳли орасида у кишининг илмларига берилган эътирофдир. “Намаки машойих” – шайхлар тузи тавсифининг моҳиятидан маълум бўладиги, барча машойихларнинг камолотига Баҳоуддин Нақшбанднинг таъсири бўлган. Агар овқатга туз солмасак унинг таъми меъёрда бўлмайди. Худди шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд илмидан баҳраманд бўлган машойихлар ҳам камолга етганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд баҳраманд бўлган илм булоқларининг биринчиси Хожайи Хизрдир. “Рисолаи унсия” асарининг таржимасида Хожагон таълимотининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний орқали Хожаи Хизрдан илм олганликлари ёзилган. Аммо бизнинг фикримизча, Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари ҳам Хожа Хизрдан илм олганлар. Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарида у кишига ўғит берган, йўл кўрсатган устоз ҳақида ёзилган. Бу устознинг ўғитлари асосида Баҳоуддин Нақшбанд одамлар кўнглини топиш, ожиз ва нотавонлар, хусусан халқ эътибор қилмайдиган кишилар ҳолига машғул бўлиш, ҳожатмандлик ва бечоралик билан муомала қилиш, ҳайвонлар тарбиясида барқарор бўлиб, ниёзмандлик йўлида бўлиш, йўллар хизматига кириш, йўлларда одамларга ёқмайдиган нимаики бўлса, одамларнинг назаридан пинҳон қилиш, токи улар зиён топмасинлар [1:49-52] деган ўғитларига амал қилиб, бутун борлиқнинг раҳмат ва марҳаматига эришган ва уларнинг дуолари асосида ботиний қуввати ошган. Биз тадқиқотларимизда бу устозни мантиқан Хожа Хизр а.с. деган хулосага келдик ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларини илк увайсийлик ва ниёзмандлик даврини Хожа Хизр а.с. ўғитлари асосида нафси бошқариш, инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва тўрт унсурга меҳру мурувватнинг шаклланиши даври деб, белгиладик [5:5,38,39].

Баҳоуддин Нақшбанд илм олган иккинчи йўналиш Ҳазрат Шайх Жунайд Бағдодийнинг илмларидир. Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимоти ҳушёрлик йўлидир. Ҳушёрлик йўлининг асосчиси эса Жунайд Бағдодий ҳисобланади.

Учинчи Баҳоуддин Нақшбанд илм олган манба Боязид Бистомий орқали Али ибн Абу Толибга бориб тақалади. Саҳиҳ бўлмаган ҳадисларнинг бирида Алини илм дарвозаси деб айтганлар. Ҳазрат Алидан шундай фикр сақланган: “Илм молдан яхшидир, чунки илм сени кўриқлайди, сен эса молни кўриқлайсан. Илм ҳокимдир, мол эса маҳкум. Нафақа қилиш билан мол камаяди, илм эса ўргатиш билан зиёда бўлади”. Шундай улуғ инсондан илм олган Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам илмлари юксак бўлган.

Тўртинчи йўналиш Имом Жаъфари Содиқ орқали Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқдан илм олганлари ҳам диққатга сазовордир. Абу Бакр Сиддиқ Нақшбандийлар Силсилаи шарифида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) ботин илмидан олиб ҳаммани баҳраманд қилган инсондир. Бу тўрт улуғ инсонлардан илм олган Баҳоуддин Нақшбандга “Рисолаи унсия” асарида Яъқуби Чархий “Намаки машойих” деб эътироф этилганини ёзгани тасаввуф аҳли учун ибратли ва биз тадқиқотчилар учун янгиликдир.

Баҳоуддин Нақшбанд ишини ривожлантирган Яъқуби Чархий “Рисолаи абдолия” асарида шундай ёзади: “Фақир айтадики, алҳамдулиллоҳ, Аллоҳ бизга “Қутб ул-иршод”ни кўриш тавфиқини берди ва унинг муборак назарини топдик. Бу ҳазрати Маҳдумимиз Хожа Баҳоуддин ал-Бухорийдир. Ҳазрати Баҳоуддиннинг ўзлари айтадиларки, йигирма йилдирки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу хизмат хилъатини менга арзон тутгандир. Бу иноятнинг толиблари икки юз киши эди. Аллоҳ фазли билан бу иноят менга тегди.” Яъқуби Чархийнинг бу эътирофидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд ўз замонасининг қутби бўлган ва у киши қутб ул-иршод сифатида дунёни тинч сақлашда хизмат қилган.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Баҳоуддин Нақшбанд, Хизр, Жунайд Бағдодий, Ҳазрат Али, Ҳазрат Абу Бакрдан тўрт йўналишда илм олиб, “Намаки машойих” – “Машойихлар тузи” даражасига юксалган ботин илмининг олимидир.

2. Баҳоуддин Нақшбанднинг камолот даражаларининг янги қирраси ҳақидаги ғоялари Яъқуби Чархийнинг “Рисолаи унсия” асарида ёритилган.

### **REFERENCES**

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.
2. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи таржимон Г.Н. Наврўзова. Т.: “Sano standart”, 2019. 112 б.
3. Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н.Наврўзова. – Тошкент: “Sano-standard” нашриёти, 2019. – 256 б.
4. Бекмуродов М. Фаросат илми. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2022. 192 б.
5. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
6. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Вуқуфи замоний” тамойили. Фалсафа ва ҳуқуқ. Ижтимоий –сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал. 2022. №2. 32-34-б.
7. Раззоқова М. Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган асар.//O’zbekistonda ijtimoiy fanlar – 1999 - № 9-10 – 91-93-бет.

8. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати нақшбандия. Душанбе: 2017. 456 с.
9. Фахруддин Али Сафий. “Рашахот”. (Оби ҳаёт томчилари). Табдил ва сўнг сўз муаллифи: Махмуд Ҳасаний. Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 536 б.
10. Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи С. Раҳмонов. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар университети” нашриёти, 2022. 78 б.
11. Yunusova G. S., Kazimova G. K. Written speech as a type of speech activity when learning a language // *Theoretical & Applied Science*. – 2020. – №. 5. – P. 218-220.
12. Yunusova G. S. The viewpoints of Abdulqadir Giylani about the human and man conceptions // *Theoretical & Applied Science*. – 2018. – №. 9. – P. 176-178.
13. Yunusova G. S. The viewpoints of Abdulqadir Giylani about the human and man conceptions // *Theoretical & Applied Science*. – 2018.
14. Yunusova G. S. Asrorova M.U. Muhammad Boltayev is human scientist // *International Scientific Journal Theoretical & Applied*
15. Юнусова Г., Истамова Г. Орифа аёллар тавсифи ҳазрат Навоий Талқинида. *Oriental renaissance: innovative, educational, natural and social sciences scientific journal volume 2, issue 9 ISSN 2181-1784 Impact Factor: 5.947 ASI Factor = 1.7 September 2022 368-373*
16. Юнусова Г. Ва бошқалар. Methods of teaching the uzbek language in higher education. *Journal of Contemporary Issues in Business and Government*, 2021, Volume 27, Issue 2, Pages 5525-5532 10.47750/cibg.2021.27.02.559 [https://www.cibgp.com/article\\_11080.html](https://www.cibgp.com/article_11080.html)
17. Юнусова Г. The doctrine of Abdulqadir Giylani and qadiriya. *IJUM Engineering Journal*. (Scopus) Published Online: 15December 2021 <https://www.nveo.org/index.php/journal/article/download/2661/2297/2699>